O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

БУГУН ПОЙТАХТИМИЗДА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ «УНИВЕРСИАДА – 2007» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ФИНАЛ БОСҚИЧИ БОШЛАНАДИ

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 21-iyun • Payshanba • 73 (27.718) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД ТАНТАНАСИ

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида яратилган уч босқичли оммавий спорт тизими 2000 йилда бошланганди. Ушбу тизим босқичлари — «Умид ниҳоллари» (умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари), «Баркамол авлод» (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари) ҳамда «Универсиада» (олий таълим муассасалари талабалари ўртасида) мусобақалари айни вақтда юртимиз ўғил-қизларининг нафақат ақлан, балки жисмонан бақувват, соғлом ва баркамол улғайишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу спорт ўйинларининг ўзига хос аҳамияти шундаки, улар ўсмирлар ва ёшларнинг барча қатламларини қамраб олади. Спорт илк бор мактабда ўқувчида қундалик кўникмани шакллантирса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежида унинг ажралмас ҳамроҳи бўлиб қолади. Институт ва университетда эса спорт талабани халқаро турнир, қитъа ва жаҳон чемпионатларига олиб чиқади. Ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилувчи ушбу нуфузли мусобақаларнинг энг юқори босқичи ҳисобланган «Универсиада-2007» бахслари мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда бўлиб ўтмоқда.

Бу мамлакатимиз талаба-ёшлари ҳаётидаги тўртинчи «Универсиада» мусобақалари саналади. Ҳозирга қадар Наманган (2000 йил), Бухоро (2002) ҳамда Самарқанд (2004) вилоятларида уюштирилган бахсларда талаба-спортчилар ғолиблик учун баҳс юритишганди. Спортни янада оммалаштиришга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, ёшларимизда ирода, мардлик ва матонат фазилатларини камол топтиришга хизмат қилиб келаётган «Универсиада» мусобақалари бугун чин маънода талабаларимизнинг катта спорт байрами мақомини олган. Бу йилги мусобақанинг қуйи босқич (шаҳар ва вилоят) бахсларида мамлакатимиздаги мавжуд 61 та олий таълим муассасасининг 160 минг нафарга яқин талаба-ёшлари фаол иштирок этишди.

4-бет

Суратларда: *спортчиларни кутиб олиш пайти.*
Муҳаммад АМИН (ЎзА) ва Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ИЛИҚ ВА САМИМИЙ СУҲБАТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БУХОРОГА ҚИЛГАН ТАШРИФИ ВИЛОЯТ АҲЛИ, ЖАМОАТЧИЛИГИ, МЕҲНАТКАШЛАРИНИ ЭЗГУ ИШЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ДАЪВАТ ЭТМОҚДА

Бухоро — мамлакатимизнинг катта иқтисодий салоҳиятга эга вилоятларидан бири. Давлатимиз раҳбари вилоят аҳли ҳаёти, турмуши, меҳнат шароитлари билан яқиндан танишиш мақсадида бир неча бор бу қадим диёрда бўлганлар. Юртбошимизнинг куни кечаги ташрифи ҳам бухороликлар ҳаётида ўчмас из қолдирди. Қалб равшан тортган лаҳзалар, илиқ ва самимий суҳбатлар Президентимизнинг қишлоқда яшайдиган оддий фуқаролар учун қанчалик қайғуриши, ғамхўрликлари вилоят аҳлини севинтирди.

— Президентимизнинг бизнинг хўжаликда бўлишлари кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, — дейди фахр билан Ромитан туманидаги «Саттор-Камол» фермер хўжалиги раҳбари Абдураҳим Сатторов. — Очиғини айтиш керак, аслида фермерлик ҳаракатининг ташаббускори ҳам, фермернинг ишонган тоғи ҳам Юртбошимизнинг ўзи. У кишининг «фермер бойиса — Ватан бойийди, уларни қўллаб-қувватлаш керак», деган сўзлари замирида катта маъно бор.

Президентимиз билан худди шу ернинг ўзида вилоят фермерлари вакиллари ҳам учрашиб, ўзлари эришаётган ютуқлар, дуч келаётган айрим муаммолар ҳақида фикрлашиб олдилар.

— Суҳбат чоғида Президентимиз муҳим масалани ўртага ташладилар, — дейди пешкулик фермер, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ёқуб Фаттоев. — У ҳам бўлса — экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Бу ўз навбатида ҳам фермернинг чўнтаги пулга тўлишига, ҳам мамлакат иқтисодиётининг янада юксалишига хизмат қилади.

Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино таваллуд топган Афшонанинг довруғи мамлакатимиздан ошиб бутун оламга таралган. Бир неча асрлик тарихга эга бу қадимий замин ўз бағрида қанчадан-қанча сир-синоатларни яширган. Бу ердаги Ибн Сино музейини кўздан кечирган Президентимиз бу жойни янги экспонатлар билан янада бойитиш лозимлигини алоҳида уқтирдилар.

— Юрт раҳбарининг ғамхўрлиги туфайли қишлоғимиз тубдан ўзгарди, чирой очди, — дейди музей директори, Ўзбекистон ХДП фаоли Мансур Нуруллаев. — Мазкур мозийгоҳ қайта реконструкция қилиниб, у имкон қадар янги экспонатлар билан бойитилди. Бу ҳали етарли эмас, албатта. Буюк аждодимизнинг бой меросидан ёшларни баҳраманд қилиш учун унинг дунёнинг кўплаб мамлакатлари кутубхоналарида сақланаётган ноёб асарлари нусхаларини олиб келишимиз керак.

Дарҳақиқат, бугун кўҳна Афшонанинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ерда қад ростлаган 540 ўринли тиббиёт коллежи, улуғ аллома — Ибн Сино ҳайкали, атрофнинг ободлигини кўриб шундай хулосага келасан киши. Юртбошимиз тиббиёт коллежи талабаларини бундай имконият ва қулайликлардан унумли фойдаланишга, қийинчиликлар олдида чўчимасликка даъват этди. Улуғ бобокалонимиз руҳини шод этиш учун яхши ўқиш, етук ва малакали мутахассис бўлиб етишиш иштиёқи асло сўнмаслиги лозимлигини уқтирди.

— Биласизми, ўша ҳаяжонли ва унутилмас дамларда Президентимиз ёш авлод камолоти учун ҳамма шарт-шароитни яратиши, улардан ҳеч нарсани аямасликларини яна бир бор исбот этди, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Эркин Холов. — Коллежда таълим олаётган 400 дан зиёд талаба билан бирма-бир суҳбатлашгани, бағрига босгани... Бу мамлакат раҳбарининг қалби қанчалик кенг, меҳри дарёлигини кўрсатади.

Бундай оталарча меҳрибонлик, бағрикенглик Бухоро шаҳридаги 32-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан дийдорлашувда ўзгача кўриниш олди. Болаларга Президент совғалар улашиб, автобус калитини топширганда кўпчиликнинг юрагидан бу юртда ҳеч ким, ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмайди, деган ўй ўтгани шубҳасиз.

Президентимиз қаерга бормасин, юрт ободлигини белгиловчи — бозорларни кўздан қочирмайдилар. Бу гал ҳам шундай бўлди. У киши Бухоро шаҳридаги «Самоний» деҳқон бозорини кўздан кечирди. Бозорда харидорлар учун барча шароитларни яратиш, уни замонавий услубда қайта қуриш борасида жўяли маслаҳатлар бердилар. Ахир, бозор юрт ободлигининг акси, фаровонлик мезони эмасми.

— Шаҳарда ўндан зиёд катта-кичик бозор бор, — дейди «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси, партиядошимиз Ориф Хўжаев. — Аммо бирортасидан ҳам кўнгил тўлмайди. Пойтахтдагидек шинам бозорлар қурилса қандай яхши. Президентимиз ташрифидан сўнг бу борадаги камчиликларни бартараф этишга киришилгани кўпчиликни қувонтиряпти. Шаҳар қиёфасини янгилаш борасида бошланган саъй-ҳаракатни айтмайсизми? Бунинг учун бухоролик катта-ю кичик мамлакат раҳбарини дуо қилишаяпти.

Юртбошимиз Бухоро шаҳри бош режаси билан танишиб, шаҳарнинг атрофини иҳоталаш, унда янги проспектлар қуриш, аҳоли учун барча қулайликлар яратишга мутасаддилар эътиборини қаратди.

Сирасини айтганда, мамлакатимиз раҳбарининг ташрифидан сўнг қадим Бухорода кенг қамровли бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Ҳа, бугун ҳар бир бухоролик ўзининг мамлакат тараққиётига дахлдор эканлигини амалда намойиш этиш иштиёқида яшамоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН

Навбатдаги саломатлик поезди билан Навоий вилоятига жўнатилган мурувват юки кўп болали, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар учун мўлжалланган.

Саломатлик поезди «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК билан ҳамкорликда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижроси доирасида ташкил этилди. Шунингдек, уни бутлашда умумреспублика экология ҳашарларини ўтказишдан тушган маблағлардан ҳам фойдаланилди.

Юк қарийб 40 миллион сўмлик кийим-кечак, пойабзал, санитария-гигиена воситаларидан иборат.

Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

АСАЛАРИЧИЛАР УЮШМАСИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари сони Ўзбекистон Асаларичилар ассоциацияси ҳисобига яна биттага кўпайди.

Янги бирлашманинг мақсади мамлакатимизда асаларичиликни янада ривожлантириш, маҳсулот экспорти ҳажмини юксалтириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид ишларни фаоллаштиришдан иборат.

Мазкур ассоциация раҳбари Сарвар Исломхўжаевнинг айтишича, юртимизда етиштириладиган асалнинг асосий қисми Навоий, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Фарғона, Наманган вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Пойтахтимизда эса қарийб олти юз нафар асаларичи фаолият юритади.

Янги ассоциация юртимиз аҳолисининг асал ва асал маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида барча асаларичиларни ўз атрофида бирлаштириб, маҳсулот ҳажми ва сифатини ошириш чораларини кўрмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

УЛУҒВОР ВА ТАРИХИЙ БУНЁДКОРЛИК

ИШЛАРИ КЕЧАЁТГАН «ТОШГУЗАР — БОЙСУН — ҚУМҚЎРҒОН» ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА ГАЗЕТАМИЗНИНГ МУХБИРЛИК ПУНКТИ ОЧИЛДИ

Халқимизнинг асрий орзулари мужассам, энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлган — Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйи арафасида мамлакатимизда кўплаб улуғвор, тарихий ва бетакрор бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ана шундай улкан бунёдкорлик майдонларидан бири — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилиши ҳисобланади. Зеро, «аср қурилиши», — дея ном олган жасорат майдонида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган минглаб қурувчилар меҳнат қилишяпти. Бу ердаги ишлар — уч сменада ташкил этилган. Бунёдкорлар кеча-кундуз сира муболағасиз чинакам жасорат ва матонат билан ишлашяпти. Ўнлаб қурилиш ташкилотлари, юзлаб бунёдкор отряд ва бригадалар, йўлсозлар, мингга яқин турли хил энг замонавий, қудратли техникалар мазкур мўъжизавий қурилиш юмушлари билан банд.

Ҳақиқатдан ҳам, бу жабҳада амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти ғоят катта. Мамлакатимизда ягона миллий темир йўл транспорти тизимини юзага келтириш, ана шу асосда юртимизда иқтисодиётнинг янги, нурли уфқларини очишдек олий мақсадлар мужассам.

Дарҳақиқат, бу улкан лойиҳага 450 миллион АҚШ долларига яқин хорижий ва маҳаллий инвестициянинг жалб этилгани ҳам мамлакатимиз иқтисодиётида ушбу темир йўлнинг нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Бу янги йирик иншоотнинг ишга туширилишига ҳам жуда оз кунлар қолди. Ғоят машаққатли, афсонавий баланд тоғу қояларнинг бағрини ўйиб, не-не даралару сойларни тўлдириб-текислаб, ҳатто айрим тоғ қўрғонларидан туннел — ер ости йўллари орқали бунёд этилаётган мўъжизавий қурилишда бугун 223 километр масофадан иборат тармоқнинг асосий қисмига темир излар тўлиқ ётқизилиб бўлинди. Режадаги бунёд этилиши лозим бўлган темир йўл бекатлари олтита: улар — Тошгузар, Деҳқонобод, Окработ, Дарбанд, Бойсун, Қумқўрғон — барчаси қуриб битказилган. Бундан ташқари, нотекис, табиий ноқулай ва машаққатли ҳудудлари кўп бўлган бу мураккаб йўналишда махсус йиғма металл ва темир бетонли 50 дан ошиқ катта-кичик кўприклар, 450 тага яқин турли сунъий иншоотлар ҳам барпо этилди. Айни пайтда Бойсундаги Дарбанд дараси ва Оқназар — Шўроб сойлари оралиғида ишлар қизғин, якуний паллага кирди.

Қурилиш ишларида ниятлари ёруғ, мақсадлари амалга ошираётган ишлари каби улуғвор бўлган шижоатли ватандошларимиз қатнашмоқда. Кун-кунора улар сафига юзлаб юртдошларимиз қўшилмоқда. Мақсад аниқ: юрт коригa яраш, ана шундай катта ишларга муносиб улуш қўшиш...

Куни кеча эса аввал хабар қилганимиздек, бунёдкорлик майдонига ўз ҳиссаларини қўшмоқ ниятида йўлга чиққан юртимиздаги олий ўқув юртларининг бир гуруҳ фаол талабалари ҳам ишлар қизғин давом этаётган манзилга етиб келишди.

Ўз навбатида мамлакатнинг қон томири ҳисобланмиш — темир йўл қурилишида ишлаётган бунёдкор қурувчилар, моҳир йўлсозларнинг машаққатли

лекин ғоят савобли меҳнати, ибратли фаолиятини тезкорлик билан ёритиш мақсадида — темир йўл қурилиши давом этаётган жойнинг ўзида газетамизнинг **МУХБИРЛИК ПУНКТИ** иш бошлади.

Мақсадимиз — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари орқали темир йўл қурилиши бунёдкорлари меҳнат зафарлари ҳақида тезкор ахборотлар, уларнинг орзу-ўйлари битилган энг қайноқ лавҳалар, репортажларни ёритиб бориш. Бундан ташқари, ҳар ойда энг илғор, бошқаларга ибрат кўрсатиб меҳнат қилаётганлардан уч нафарига — таҳририятимизнинг махсус қимматбаҳо совринлари ҳам топширилади ва улар келгуси йил учун газеталаримизга бепул обуна қилинадилар.

Диққат, янги рукн:

Хайрихоҳ

Ўз-ўзидан равшанки, қўллаб-қувватлайдиганлари, тарафдорларининг кўплиги сиёсий партиянинг кучи, нуфузини белгилайди. Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партиясини ўз аъзоларидан ташқари ҳам кўплаб юртдошларимиз қўллаб-қувватламоқдалар, бу сиёсий кучга хайрихоҳлардир. Улар партия ташкилотлари билан ҳамкорликда ёки ўзлари мустақил равишда ХДПнинг дастурий ғояларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб хайрли ишлар, тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Газетамизда янги ташкил қилинган «ХАЙРИХОҲ» рукни остида ана шундай юртдошларимиз, уларнинг эзгу ишлари, партиямиз Дастурига ҳамоҳанг ташаббуслари ҳақида ҳикоя қилинади.

Бугун ана шу мавзудаги илк мақолани эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

2-бет

Хайрихоҳ

МАҚСАДИМИЗ МУШТАРАК

ЭЗГУ-НИЯТЛАРИМИЗ ЭЛУ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, — ДЕЙДИ ҒУЗОР ТУМАНИДАГИ «ЧАНОҚ» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ, ПАРТИЯМИЗ ХАЙРИХОҲЛАРИДАН БИРИ САФАР НАЗАРОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Одамлар эътибори, меҳрини қозониш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Эҳ-ҳе-е, бунинг учун қанча ишлаш, тер тўкиш, меҳнат, одамларга беминнат хизмат қилиш керак. Бунинг ўзи ҳам ҳали етарли эмас. Меҳр-оқибатли, ғамхўр бўлиш, ён-атрофдагилар ғамташвишини яхши тушуниш, давлатимизнинг халқчил сиёсати моҳиятини теран англаш каби сифатлар талаб этилади. Яқинда мана шу ўй-хаёлларим ҳақида Ғузор туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат бўлими раҳбари Зокир Жумаевга гапириб бердим. У киши партиямиз аъзоси, яхши ташкилотчи, ҳаётий тажрибаси катта инсон.

— Жуда тўғри айтасиз, — дейди Зокир ака фикрларини тарозуга қўйгандек. — Масалан, мен барча партияларга нисбатан ижобий муносабатдаман. Чунки ҳаммамизнинг ҳам мақсадимиз муштарак — шу юрт, халққа хизмат қилиш. Айниқса, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши бутунлай янги даврни бошлаб бермоқда. Қандай сиёсий кураш олиб боради — бу ўша партиянинг фаолият услубига боғлиқ.

Туманимизда бу ҳақда ёзса арзийдиган ишлар, ҳаёти ибрат инсонлар кўп. Келинг, яхшиси, ана шундай кишилардан бири билан ўзингиз учрашинг, кўп масалалар ойдинлашади... У киши Ғузор шаҳридаги энг обрўли маҳалла раиси. Балки эшитгандирсиз, Сафар ака Назаров дейишади...

Бу эътирофдан кейин ана шу инсон билан учрашишга ошиқдим.

Ғузор — дашт бағридаги кичик шаҳар. «Чаноқ» маҳалласи шаҳар марказига яқин. Шинамгина бир нечта хонали идора биносини маҳалла аҳли ўз кучи билан қуриб олган. Ҳозир бу ерда ҳаёт қайноқ. Биров кириб, биров чиқаяпти...

Маҳалла аҳли фикрлашиб, Сафар Назаровни фуқаролар йиғини раиси этиб сайламоқчи бўлишганида, касби иқтисодчи, узоқ йиллардан буён туман молия бўлимида меҳнат қилаётган Сафар ака бунга кўнмайди. Вақти келиб, нафақага чиққач, маҳалладошлари охири уни кўндиришади. 2001 йилнинг 30 май куни бир овоздан «Чаноқ» маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлашади. Ўтган йили бўлиб ўтган сайловда уч кишининг номзоди қўйилган эди. Аммо вакиллар бир овоздан яна Сафар акани оқсоқолликка танлашди.

— Мана анча суҳбатлашдик, — дейди Сафар Назаров. — Маҳалламиз ҳаёти, менинг ишларим билан танишибсиз. Бугунги ташвишлар, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ҳақида ҳам фикрлашдик. Келинг, очиқ суҳбатлашайлик. Нега партияга кирмаганим, қайсисини ёқлашим қизиқтираяпти сизни. Тўғрими?

— Эл-юртга хизмат қиламан, деб майдонга чиққан барча партия ҳурматга сазовор. — дейди у қатъий. — Аммо ростини айтай, менга Халқ демократик партиясининг ишлари, мақсади, ғояси, мафкураси, Дастури жуда маъқул. Аммо... Ёшим ўтганда, ҳеч бир партияга кирмоқчи эмасман, бироқ, шу партия аъзоларининг яхши ишларини қўллаб-қувватлайман. Негалигини биласизми?

— Хўш, нима учун? — дейман суҳбатга тобора қизиқиб.

— Бир бошидан бошлай, — дея вазминлик билан мулоҳазаларини давом эттиради оқсоқол. — Мамлакатда қанча ўзгаришлар бўлаяпти. Юртбошимиз ташаббуси билан нечоғлиқ бунёдкорликлар амалга ошаяпти. Аммо айрим ишларни ўзимиз ҳам қилишимиз мумкин-ку? Масалан, Шўртан конидан чиқаётган газ ярим мамлакат ўчоғида ёнаяпти-ю, бироқ шундоқ унинг ёнида турган маҳалламизнинг кўп хонадони бундан бебаҳра эди. Одамларни йиғиб, масалани ўртага қўйдик, туман раҳбарияти кўмак берди, маблағ ҳам топилди. Жами 16 километр жойга қувур тортиб, барча хонадонларни газлаштирдик.

Одамларнинг бошини қовуштириш, эзгу ишларга йўналтириш керак, холос. Қолгани ўз-ўзидан бўлиб кетади. Абдураззоқ Қосимов деган маҳалладошимиз чойхона қуришнинг бошида турди. Номозбой Тошпўлатов деган биродаримиз тикувчилик цехи очди. Яна биров тегирмон қурди... Бунинг натижасида маҳалламиз обод бўлди. Бундан ташқари, 50 дан ошиқ ёрдамга муҳтож оила алоҳида ҳисобда. Моддий ёрдамга ажратилган маблағ адолат билан тақсимланаяпти. Мана, энди ичимлик суви учун янги қувур тортиш ташвишини қилаяпмиз. Энг қувончлиси, Халқ демократик партияси аъзолари, фаоллари ана шу каби хайрли ишларни бажаришда ибрат кўрсатишаяпти, одамлар ташвиши билан қизиқишаяпти. Мана, ХДПнинг битта аъзоси, шаҳарчамизда яшаётган фермер Ғайрат Пўлатовни олайлик. У касалхонага ўн миллион сўм ёрдам кўрсатди, тўрт-беш кишига соғин сигир олиб бериб, савобга қолди. Ахир, бундай ишлар одамларнинг ихлосини оширмайдими? Хайрихоҳлар сафини кўпайтирмайдими?..

— Одамлар оқсоқолимиздан рози, — дейди Гулбаҳор Раҳмонова. — Тўғриси, илгари ҳеч раҳбарга ёлчимаганмиз. Сафар акани ўзимиз раисликка сайладик. Катта-кичикка баравар, ночорларнинг ҳолидан хабар олиб туради, бизларни ҳам эзгу ишларга ундайди. Менинг тўрт фарзандим бор. Уларнинг тақдири билан ҳам доим қизиқади. Қўлидан келадиган ёрдамини аямайди.

...Бу гаплардан кейин рости, кўнглимда фахр туйғуси жўш урди. Ўйлаб қолдим: сиёсий шиорлар ҳам керак, аммо халқ билан доим бирга бўлиш лозим экан-да. Ўзимни қийнаб юрган саволларга Сафар аканинг гапсўзлари, қилаётган ишларидан жавоб топгандек бўлдим. Партиямизнинг фаолияти, амалга ошираётган ишлари у киши сингари ҳаёт қозонида қайнаган, элнинг назарига тушган кишиларга маъқул экан. Шунинг ўзи катта гап, катта эътироф. Ана шундай эл-юрт орасида юқори обрў-эътиборга эга хайрихоҳлари кўпаяверар экан, демакки, ҳеч шубҳасизки, партиямизнинг кучи, та+ъсири, нуфузи ҳам ошаверади...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар:

ТАДРИЖ ВА ТАКОМИЛ

1 XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги мустақил Ўзбекистон тарихига шубҳасиз, ислоҳотларнинг янада чуқурлашуви ўн йиллиги бўлиб киради. Мамлакатимиз барқарор ривожланиш даврига қадам қўйди. Барча соҳалардаги муттасил ислоҳотлар ривожланиш суръатларини таъминлаб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, ислоҳотлар табиий жараёнга айланди. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш йўлидаги, президентлик институти ҳамда парламент ислоҳотлари мазкур жараённинг таркибий қисмидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар аста-секинлик билан, изчиллик, босқичма-босқичлилик тамойили асосида, одамларнинг савияси, тафаккурига мос суръатда, демократия чуқурлашуви даражасини ҳисобга олиб, тарихий-миллий ва илғор хорижий тажрибага суяниб амалга оширилмоқда. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига бўлиниши конституциявий тарзда мустаҳкамланиши ислоҳотларнинг дастлабки давридаги илк қадам бўлган эди. Тараққиётнинг кейинги босқичида ислоҳотлар жараёни ҳар бир ҳокимиятнинг ичида чуқурлашиб бораверди. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асослари алоҳида қонунчилик технологияси — конституциявий қонунлар қабул қилиш йўли билан таъминланмоқда.

2 2002 йил апрель ойида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 8-сессиясида қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонун бу борада биринчи қадам бўлди ва у 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум натижаларини «қонун тили»га кўчирди. Ҳажм жиҳатдан кичик бўлишига қарамай, Қонунда икки палатали парламент фаолиятининг барча қирралари ўз аксини топди, унинг қиёфасига асосий чизгилар берилди. Ҳужжатнинг яна бир қиммати шундаки, унда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий принциплари баён қилинди. Улардан бири ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасидаги мувозанатни, улар ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш масаласидир.

3 Мазкур Конституциявий Қонун асосида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10-сессиясида (2002 йил, декабрь) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунлар қабул қилинди. Кейинчалик, мазкур ҳужжатларнинг асосий меъёрлари 2003 йилнинг 24 апрелида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан Бош Қомусимизга киритилди.

ЎзХДП шаҳар кенгашлари фаолиятидан

БОЛАЛАР МАСКАНИДА

Президентимиз Қарори асосида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда партия ташкилотлари ҳамда депутатларнинг иштирокини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси Ҳайъати қабул қилган ҳужжат ЎзХДП Наманган шаҳар ташкилотлари учун ҳам кенг қамровли ишларга асос бўлмоқда.

— Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан белгиланган тадбирларимизда мактабгача таълим муассасалари ҳам қамраб олинган, — дейди ЎзХДП Наманган шаҳар кенгаши раиси Акмалхон Умаров. — Ҳар бир байрам, ҳар қандай тўй аввало болалардан бошланади. Қолаверса, ушбу масканларда партиямиз электорати бўлган тарбиячи-педагоглар меҳнат қилишади.

Шаҳардаги 55-«Оймомо» мактабгача таълим муассасасида бугун 150 нафар кичкинтой тарбияланади, уларнинг 60 нафарининг кўриш қобилияти чекланган.

— Бу болажонлар ҳар доим махсус дефектолог, оккулист ва ҳамшира назоратида, — дейди муассаса мудираси Гулнора Убайдуллаева. — Уларга 18 нафар малакали педагог қарашади. Тарбиячиларнинг 6 нафари ЎзХДП аъзоси.

Тажрибали дифектолог Комила Саидова, тарбиячиларимиз Раҳима Тоғаева, Оксана Супрунова, ҳамшира Нина Адамашивили, врач-оккулист Абдуғаффор Абдулҳамидовларнинг хизматларидан болалар ҳам, ота-оналар ҳам беҳад мамнун. Бу болажонлар тузалиб кетиши мумкин. Тиббий хулосаларга кўра, беш ёшгача бўлган кичкинтой керакли витаминлар қабул қилиб, тегишлича парваришланса, унинг кўриш қобилияти тўла тикланаркан. Айримларини эса беш ёшдан кейин жарроҳлик йўли билан бу нуқсондан батамом халос этиш мумкин.

Яқинда Наманган шаҳар партия кенгаши томонидан ушбу мактабгача таълим муассасасига зарур дори-дармон воситалари топширилди. Худди шу куни бу ерда «Биз истиқлол фарзандларимиз» деб номланган кеча ташкил этилди. Тадбир давомида кичкинтойлар томонидан шеър, қўшиқ ва рақслар ижро этилди. Бу болажонларнинг ЎзХДП Наманган шаҳар кенгаши ва ҳомийлик кўрсатган «Меҳнат нури» масъулияти чекланган жамиятига миннатдорчилиги эди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Суратда: *тадбирдан лавҳа.*

Олимжон САЙДУЛЛАЕВ олган сурат.

Тадбир

«БИЗ — БИР ЖАМОАМИЗ»

Бугунги кунда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмагида республикамиз ёшлари учун бир қатор йирик тадбирлар, хусусан, форумлар, акциялар, талабалар учун ўқув-семинарларини ташкил этмоқда. Ёшлар ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Айни пайтда марказ «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари ҳамкорлигида «Биз — бир жамоамиз» деб номланган акция ўтказмоқда. У бир ҳафта давомида бутун республика бўйлаб давом этади. Унда ташаббускор ёшлар жойлардаги фаоллар билан учрашиб, уларнинг таклиф-мулоҳазаларини ўрганадилар, ўзаро фикр алмашадилар. Шунингдек, марказ юртимизнинг чекка ҳудудларидаги ўз фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташаббус ва янги лойиҳаларни ўрганади. Тадбирлар шу йилнинг 24 июнигача давом этади.

Яна бир янгилик. Июль ойида марказ томонидан «Келажак овози» кўрик-танлови ғолиблари ҳамда ташаббускор ёшлар учун оромгоҳлар ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, уларда фаол иштирок этганлар оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришлари кўзда тутилган.

Жасур ҲУСАНОВ.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

НУР УЛАШАЁТГАНЛАР

Самарқанд туманидаги «Зарафшон» электр тармоғи корхонаси ходимлари аҳолига электр энергиясини узлуксиз етказиб бериш борасида бугун катта ютуқларга эришмоқда. Айни пайтда жамоада 85 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Қувонарли жиҳати шундаки, уларнинг орасида эса партиямиз аъзолари кўпчиликни ташкил этади.

Туманнинг 86 та маҳалласига хизмат кўрсатувчи тармоқ аъзолари зиммаларига юклатилган режани доим бажариб келишган. Шунингдек, ушбу ташкилот «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида қатор ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

— Охалик қишлоғида жойлашган болалар оромгоҳига ҳамда Шредер қўрғонидаги «Мурувват» уйида яшовчи меҳрга муҳтож кишиларга амалий ёрдам кўрсатдик. Байрамлар баҳона бир қатор фахрийларимизни йўқлаб, ҳолидан хабар олиб турибмиз, — дейди корхона раҳбари, ЎзХДП фаоли Ўткир Абдуллаев.

Суратларда: *чапдан техник-хавфсизлик бўлими муҳандиси Бахтиёр Ҳакимов, электрик Хурсанд Жабборов, бош муҳандис Ҳабиб Муҳаммедов, корхона раҳбари Ўткир Абдуллаев, уста Алишер Миробидов.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Газетада босилмади, аммо...

АЙБДОРЛАРГА ЧОРА КЎРИЛДИ

Таҳририятимизга шикоят хати йўллаган чирчиқлик Б.Қодиров 12 ёшли қизини ўтган йил куз кечаси тўсатдан қорни оғриб, иситмаси кўтарилгани, «Тез ёрдам» шифокори «кўричак» ташҳиси билан беморни шаҳар болалар касалхонасига олиб боргани ва у ерда операция қилинганидан сўнг аҳволи оғирлашгани ҳақида ёзган эди. Яқинда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан шу мактубга қуйидаги жавобни олдик:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи Қодиров Бахтиёрнинг фарзандига Чирчиқ шаҳар болалар шифохонаси хирургик бўлими мутахассислари томонидан кўрсатилган тиббий ёрдамдан норози бўлиб газетага йўллаган мактубида келтирилган далиллар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 1 май 473-сонли фармойиши асосида республика бош болалар хирурги, профессор А.Ж.Ҳамраев томонидан чуқур таҳлил қилинди.

Текшириш жараёнида, ҳақиқатдан ҳам 1995 йил 18 августда туғилган Алтинова Ҳулкарой, 2006 йилнинг 25 октябрида қорин соҳасида оғриқ пайдо бўлганлиги сабабли соат 23.20 да тез тиббий ёрдам орқали «ўткир аппендицит» ташҳиси билан шаҳар тез тиббий ёрдам марказига ётқизилганлиги, 45 дақиқадан сўнг Чирчиқ шаҳар болалар шифохонасининг болалар хирургик бўлими мудири Г.И.Писаревский томонидан «Аппендэкомия» операцияси ўтказилганлиги, операциядан кейин жароҳатнинг йириングлаши оқибатида бемор бир неча бор амбулатория ва шифохона шароитларида даволанганлиги аниқланди. 2007 йил апрель ойида Ҳулкарой Чирчиқ шаҳар болалар шифохонасининг соматик бўлимида «Астеновегетатив синдроми, сурункали тонзиллит, 1-даражали диффузли буқоқ, темир танқислиги — 1-даражали камқонлик» ташҳиси билан даволанди.

Таҳлиллар даволаш жараёнида Чирчиқ шаҳар болалар шифохонасида фаолият кўрсатаётган хирург Г.И.Писаревский томонидан этика ва деонтология меъёрларига амал этилмаганлиги ва аппендэктомия операциясидан кейин ўз вақтида беморга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмаганлигини қайд этди.

Ушбу ҳолат Чирчиқ шаҳар болалар шифохонасининг тиббиёт ходимлари ўртасида чуқур таҳлил қилиниб, мазкур муассасанинг 2007 йил 4 май 72-сонли буйруғи асосида айбдор шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди. Хирургия бўлими мудири Г.И.Писаревский ўз лавозимидан озод этилди, даволаш ишлари бўйича бош врач муовини Б.Р.Оспановага ҳайфсан эълон қилинди.

Х.Алтинова Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош болалар хирурги, профессор А.Ж.Ҳамраев томонидан консультация қилинди. Ҳозирги кунда унинг аҳволи қониқарли, шикояти йўқ.

Республика Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.КАМИЛОВ».

Президентимизнинг қонунчилик ташаббуси билан парламент қуйи палатасига киритилиб, умумхалқ муҳокамасидан ўтгач, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2007 йил 28 февралда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни сиёсий-институционал ва демократик бошқарув нуқтаи назаридан ўта муҳим қадам бўлди. Айнан ушбу Конституциявий Қонун билан мантиқан узвийликда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун мустақиллигимиз шарофати ила дунёга келган Бош Қомусимизга янада шаффофлик ва амалий самарадорлик руҳини берди. Шуниси диққатга сазоворки, Конституциявий қонун лойиҳаси эълон қилиниши биланоқ, кўплаб хорижлик экспертлар унга ўзларининг холис муносабатларини билдира бошладилар. Жумладан, Европа Комиссияси эксперти Х.Родригес уни демократик ислоҳотлар йўлидаги мустаҳкам методологик асос деб атади. Россиялик мутахассис В.Тогонян фикрича, бу мамлакат ичидаги кўплаб сиёсий масалаларни ҳал этиш йўлидаги стратегик қадамдир.

4 Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатлар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда бетакрор аҳамият касб этади.

Ҳокимиятнинг уч тармоққа бўлиниши ва уларнинг ўзаро мустақиллиги демократиянинг муҳим шартларидан биридир. Аммо, қонун чиқарувчи ҳокимият давлат ҳокимиятининг олий шакли ҳисобланади. Чунки, у қолган икки ҳокимиятнинг ҳам ваколатларини қонун билан белгилаб беради. Шунинг учун, қонун чиқарувчи ҳокимиятга бошқа тармоқларга қараганда устувор мақом берилади. Юқоридаги янги қабул қилинган Конституциявий Қонун парламент, ундаги сиёсий партиялар фракциялари нуфузини, ижроия ҳокимиятни шакллантиришдаги ролини янада оширишга хизмат қилади. Эндиликда, мазкур қонунга асосан, қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари орқали ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ўрнатишнинг қонуний механизми вужудга келди. Мазкур ҳолат, ҳокимиятлараро мувозанатни қарор топтиришнинг кафолатидир. Зеро, ҳокимиятнинг уч тармоққа бўлиниш тамойилининг ўзигина демократиянинг чуқур илдиз отиши учун етарли эмас. Сиёсий партиялар фракцияларига конституциявий мақом берилиши, парламент анархиясининг олдини олиш ва субъектив ирода асосида конъюнктуравий ёки «бозорбоп» қарорлар қабул қилинишининг олдини олади.

Юқоридаги Қонунлар салкам ўн беш йиллик синов даврини муваффақият билан босиб ўтаётган Бош Қомусимизга янада тиниқлик, янгича мазмун бахш этмоқда.

5 Президентимиз ташаббуси билан киритилган ва Олий Мажлиснинг қуйи ва юқори қонунчилик идоралари томонидан қабул қилинган мазкур Қонунлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг янги саҳифасини очишига шубҳа йўқ. Эндиги вазифа уларни ижро этишнинг самарали механизмларини яратишдир. 2008 йил 1 январь ҳар икки қонуннинг кучга кириш муддати этиб белгиланганини эътиборга олсак, уларнинг мазмун ва моҳиятини халқимизга яна бир бор аниқ ва лўнда тушунтириб бериш, назарий асосларини чуқур таҳлил этиш ҳамда ижросини таъминлаш тадоригини кўриш учун етарли муддат, имконият мавжуд.

Ушбу Қонунлар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан дадил бораётган мамлакатимизда жамиятни модернизациялаш ва янада демократлаштиришнинг ўзига хос модели яратилганлигини яна бир бор тасдиқламоқда. Бу эса Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар илғор демократик давлатларга тақлид орқали эмас, балки ўзининг мустақил йўли ва имкониятлари асосида амалга оширилаётганини кўрсатади. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг 1999 йилда баён қилган фикрларини яна бир бор эслаб ўтиш ўринли деб ҳисоблаймиз: «Дунёда айнан бир-бирига ўхшаш иккита давлат мавжуд эмас. Давлат қурилиши борасида ...тайёр қолип ва андозалар йўқ».

Ҳайдарали ЮНУСОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети катта ўқитувчиси, сиёсатшунос-ҳуқуқшунос.

6

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «ФАРҒОНА» АЭРОПОРТИ танлов савдоси эълон қилади

Объект номи:
«Фарғона» аэропорти аэровокзал биносини реконструкциялаш.
Қурилиш муддати — **9 ой.**
Буюртмачи манзили: Фарғона шаҳар, Ҳасанова кўчаси, 16-уй, телефон/факс: 226-54-61, 226-23-31.
Қурилиш-монтаж ишлари буюртмачининг хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: ***Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган буюртмачининг манзилида ўтказилади.

XORIJDA

АЙРИМ ДАВЛАТЛАР ТАКЛИФИ
ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН ИНКОР ЭТИЛДИ

Европарламент депутатлари Дания, Польша, Финляндия, Швеция ва Болтиқ бўйи давлатлари вакилларининг «ароқ» деб аталувчи спиртли ичимликларга қўйиладиган талабни қонуний қатъийлаштириш ҳақидаги таклифини инкор этди, дея хабар беради «BBC News».

Гап шундаки, юқорида номлари саналган давлатларнинг вакиллари фақат картошка ва буғдойдан тайёрланган спиртли ичимликларнигина «ароқ» деб аташ тўғрисида таклиф киритишган эди. Бироқ, парламентнинг кўпчилик аъзолари бу таклифни қўлбқувватлашмади. Қабул қилинган қарорга кўра, қанд лавлагидан, узумдан, ҳатто бугунги кунда истеъмоли жуда оммалашган цитрусли мевалардан тайёрланадиган спиртли ичимликлар ҳам одатдагидек «ароқ» деб аталаверадиган бўлди.

ҚОЧОҚЛАР СОНИ
14 ФОИЗГА КЎПАЙГАН

БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармаси берган маълумотларга кўра, ўтган йили дунё бўйича қочқинлар сони 14 фоизга кўпайган. Яъни 2002 йилдан кейин уларнинг сони 10 миллионга яқинлашиб қолган.

Афғонистон, Ироқ ва Фаластиндаги можаролар қочқинлар сони ортишига катта ҳисса қўшган.

Бугунги кунда қочқинлар сони кўплиги жиҳатидан Афғонистон биринчи ўринда турибди — 2,1 миллион афғон қочқинда ҳаёт кечирмоқда. Иккинчи ўринда Ироқ — 1,5 миллион киши, сўнг Судан (686 минг киши), Сомали (460 минг), Конго Демократик Республикаси (400 минг) ва Бурунди (400 минг) турибди.

Ўтган йили мамлакат ичида кўчиб юрувчилар сони ҳам ортган. 2006 йилнинг охирида уларнинг сони 24,5 миллионни ташкил этган. Фуқаролиги бўлмаган шахслар сони эса икки баравар кўпайиб, ўтган йили 5,8 миллион кишига етган.

ВАКОЛАТЛАР
ҚИСҚАРТИРИЛДИ

Қозоғистон парламенти иккала палатасининг қўшма мажлисида «Қозоғистон президенти тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритилди ва қабул қилинди. Унга кўра, президент ваколатлари қисқартирилди. Эндиликда президент ўзи мустақил равишда ҳукумат раҳбарини лавозимга тайинлай олмайди, бунинг учун парламент қуйи палатаси билан келишиши лозим. Бундан ташқари, давлат бошлиғининг ҳукуматга, судларга, Марказий сайлов комиссиясига, Миллий банкка ва аким (губернатор)ларга нисбатан муносабати ваколатлари ҳам ўзгартирилди.

Қозоғистон сенатининг матбуот хизматидан хабар беришларича, қонунчиликдаги ушбу ўзгаришлар мамлакатда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар самарасидир.

Конституциявий ислоҳотлар президентлик мандатини 7 йилдан 5 йилга қисқартириш масаласини ҳам назарда тутади.

Шуни таъкидлаш лозимки, — дейилади «РБК» тарқатган ахборотда, — амалдаги қонунчиликка киритилаётган ўзгартишлар президент ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

ҲАР ҚАНДАЙ АЛОҚА
ТАМОМАН УЗИЛДИ

Фаластин мухториятидаги икки сиёсий куч — ФАТХ ва ХАМАС ўртасидаги жарлик тобора чуқурлашиб бормоқда. Дунё ҳамжамиятининг бу икки сиёсий куч ўртасидаги жарликни музокаралар йўли билан йўқотиш учун қилган саъй-ҳаракатлари бесамар кетди. ФАТХ ташкилоти марказий қўмитаси Рамаллохда ўтказган йиғилишида ХАМАС ташкилоти билан ҳар қандай алоқа тамоман узилиши ҳақида қарор қабул қилди.

Мухториятнинг янги тузилган муваққат ҳукумати эса ХАМАСчилар тасарруфидаги Ғазо минтақасида ҳам ўз назоратини ўрнатиш учун саъй-ҳаракатлар бошлашни мўлжаллаб турибди. Бунинг учун аввало ХАМАСга халқаро сиёсий ва иқтисодий босим ўтказиш назарда тутилмоқда.

Маълумки, ўтган йилги парламент сайловларида ХАМАС ғалабасидан сўнг Европа Иттифоқи мухториятга кўрсатаётган ёрдамини тўхтатиб қўйган эди. Энди ушбу молиявий ёрдам ФАТХ учун қайта йўлга қўйилиши ҳақида Европа Иттифоқи баёнот берди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, бу ёрдам ФАТХ тасарруфидаги Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғига кўрсатилади. ХАМАС тасарруфидаги Ғазо минтақаси эса бундай ёрдамлардан мосуво этилади.

ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

Андижон вилояти Балиқчи тумани йўлдан фойдаланиш, таъмирлаш хўжалик корхонаси ўз асфальтбетон заводига эга бўлди. Унда бир кеча-кундузда 200 тонна асфальт ишлаб чиқарилади.

Қувонарлиси, 30 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Ҳозирда корхона ишчилари республика аҳамиятига молик беш километр узунликдаги «Чинобод — Урманбек — Сариқсув» йўлини таъмирлашмоқда.

Дилноза АБДУКАРИМОВА,
«Туркистон-пресс»

Юртимиз ғаллакорлари ва деҳқонлари диққатига!

Акциядорлик тижорат «ПАХТА БАНК»

ғалла йиғими мавсумида қатнашаётган барча меҳнаткашлардан **2007 йил 20 АВГУСТга** қадар **6 ОЙ** муддатга очилиб, йиллик **26 ФОИЗ** ҳисобидан даромад тўланадиган **«ҲОСИЛ — 2007»** жамғарма омонатига маблағлар қабул қилишни давом эттиради.

Сиз **«ҲОСИЛ — 2007»** жамғарма омонатига маблағларингизни «Пахта банк»нинг исталган филиалига қўйишингиз ҳамда улар бўйича фоизли даромадларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин.

Шу билан бирга «Пахта банк» республикамизда истиқомат қилаётган барча юртдошларимизга қулай ва манфаатли бўлган **«САРМОЯ — 1»** жамғарма омонати ҳамда **«ДАРОМАД»** муддатли омонат турларини ҳам таклиф этади.

Ушбу омонат турларига маблағлар сақлаш муддати тугаган омонатларни қайта расмийлаштириш орқали ҳамда нақд пулда 1 ойдан 1 йил муддатгача сақлаш шарти билан қабул қилиниб, йиллик **24 ФОИЗ** миқдорида даромад тўланади. Омонатлар бўйича фоизли даромадларни ойма-ой олиб боришингиз мумкин.

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.
Омонатингизни кафолатли асраймиз ва кўпайтирамиз!
«Пахта банк»нинг исталган филиалига мурожаат қилинг ва даромадингизни кўпайтиринг!

«ПАХТА БАНК» — МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ГРУЗИЯ ПАРЛАМЕНТИДА
ДЕПУТАТЛАР МУШТЛАШДИ

Биламизки, депутатлар халқнинг ҳокимият бошқарувидаги вакили. Шундай экан, улар ҳар қандай масалани дипломатия йўли билан ҳал этиб, сайловчилари ишончини оқлаши, уларга ўрнак бўлиши лозим. Аммо ишонч билдириб, сайлаган депутатинг кўпчилик олдида муштлашиб «намуна» кўрсатиб турса...

Грузия парламентида худди шундай воқелик юз берди.

Гап шундаки, «Хусусий мулкни эркинлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига парламент кўпчилигини ташкил этувчи гуруҳ вакилларидан атиги 10 нафаригина келган эди. Бу мухолифатдаги «Демократик фронт» фракцияси вакилларини таажжубга солди ва фракция аъзоси Бежан Гунаванинг тилини «қичитди». У хусусий мулкни эркинлаштириш парламент кўпчилиги вакилларини қизиқтирмайди, деган луқмани ўртага ташлади. Бу гап эса парламент кўпчилиги вакили Элдар Квернадзега ёқмади ва Гунава шаънига тутуруқсиз гаплар айтди. Воқеа шу даражага бориб етдики, бу икки депутат шармандаларча муштлаша кетди. Бошқа депутатлар уларни зўрға ажратишди.

Англия кўчаларида

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲРИСАБЗ «АЁЛЛАР МУРУВВАТ УЙИ» ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

◆ **Шаҳрисабз тумани, Мираки қўрғонидаги «Аёллар мурувват уйи»ни капитал таъмирлаш.**
Қурилиш муддати — 3 ой.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 78.552.760 сўм.
Буюртмачи — Шаҳрисабз «Аёллар мурувват уйи».
Манзил *— Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Мираки қўрғони.*
Қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯККАБОҒ «САХОВАТ УЙИ» ИНТЕРНАТИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

◆ **Яккабоғ шаҳридаги қариялар ва ногиронлар интернати «Саховат уйи»ни капитал таъмирлаш.**
Қурилиш муддати — 2007 йил 15 август.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 102.650.640 сўм.
Буюртмачи — Яккабоғ шаҳар «Саховат уйи» интернати.
Манзил — Қашқадарё вилояти, Яккабоғ шаҳри.
Қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:
◆ етарли касбий ва техникавий малакага;
◆ иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
◆ молиявий имкониятларга ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
◆ шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
◆ юридик ҳуқуққа эга, шунингдек ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод кўчаси, 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.
Тел/факс: (8-375) 223-10-63.
Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин Қарши шаҳри, Хонобод кўчаси, 5-уйда жойлашган савдо ташкилотчиси биносида ўтказилади.

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД ТАНТАНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Спортнинг ўн икки тури бўйича улар орасидан сараланган энг чаққон ва энг эпчил 1946 нафар йигит-қиз бугун республика финал босқичида ўз шаҳар ва вилоятлари шарафини ҳимоя қилишга чоғланишган.

Кичик олимпиадага қиёсланаётган «Универсиада — 2007» мусобақаларини юксак савияда уюштириш учун пойтахтимизда жуда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун Тошкент шаҳри кўча ва хиёбонларини айланган киши бунинг шоҳиди бўлади. Айниқса, «Ёшлик» шаҳарчасига қадам ранжида қилсангиз, амалга оширилган ободонлаштириш ишлари самарасини кўриб дилингиз яйрайди.

...Кеча Тошкент аэропорти ва темирйўл вокзалларида «Универсиада — 2007» мусобақалари қатнашчилари тантанали кутиб олинди. Пойтахт аэропортига биринчи бўлиб, Хоразм вилояти терма жамоаси аъзолари «Урганч — Тошкент» ҳаво йўналиши бўйича етиб келди. Уларга кенг жамоатчилик — мусобақа ташкилотчилари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, карнай-сурнай садолари остида қизлар қўлларида нон-туз ҳамда гуллар билан пешвоз чиқдилар.

— Очиғи, Тошкентда бизни бундай катта тантана билан кутиб олишлари хаёлимга ҳам келмаган эди, — дейди Хоразм вилояти волейболчи қизлар жамоаси сардори Зулайҳо Тўлиева. — Бу менинг ҳаётимдаги учинчи универсиададир. Йилдан йил нуфузи ортиб бораётган ушбу мусобақа сабаб мен таҳсил олаётган Урганч давлат университетида волейбол оммавий спорт турларидан бирига айландик. Бир неча йилдан бери университетимиз талаба-қизларидан иборат волейбол жамоаси мамлакат биринчилигида муносиб иштирок этмоқда. 2004 йил Самарқандда ўтказилган «Универсиада» баҳсларида бешинчи ўрин билан кифояланган эдик. Ишонаманки, Тошкент мусобақаларидан албатта, совриндор бўлиб қайтамиз.

Орадан кўп ўтмай, Сурхондарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси талаба-спортчилари ўтирган самолётлар Тошкент аэропортига келиб қўнди.

— Бундай катта мусобақада илк марта иштирок этаяпман, — дейди Термиз давлат университети тариҳ факультети иккинчи курс талабаси Панжи Қувондиқов. — «Универсиада»да шоҳмот бўйича Сурхондарё вилояти шарафини ҳимоя қиламан. Вилоят босқичида барча рақибларимни енгиб, шундай шарафга муяссар бўлдим.

— Бу йилги мусобақа иштирокчиларининг 556 нафарини талаба-қизлар ташкил этади, — дейди олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Аваз Марахимов. — Бу эса сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга катта аҳамият берилаётганлигидан дарак бериб турибди.

...Ҳа, бугун мамлакатимиз пойтахти гўзаллик ва камолот, ёшлик ва шижоат намойиши бўлган — катта спорт байрамига мезбонлик қилмоқда. Унда мустақил Ўзбекистонимизнинг турли олий таълим муассасаларида таълим ва таҳсил олаётган, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол йигит-қизлар ўзларининг иқтидор ва маҳоратларини намойиш этадилар.

(Ўз мухбиримиз)

Эътироф

АВСТРИЯЛИК ВЕЛОСИПЕДЧИЛАР АНДИЖОНДА

Хўжаобод туманидаги Кўтарма қишлоғида истиқомат қилувчи Бахтиёржон Йўлдошев кўчада тил билмай, боши қотиб турган велосипедли икки кишини хонадонига таклиф қилди.

— Бу меҳмонлар сени йўқлаб келишибди, — деди у турмуш ўртоғи Тожибархонга қараб.

Уй соҳибаси улар билан инглиз тилида мулоқотга киришганида, чет элликлар ёмби топгандай севиниб кетишди. Суҳбат асносида шу нарса сезилдики, хорижликлар бу тилни хаминқадар билишаркан. Тожибархон Австрияда давлат тили немис тили эканлиги ёдига тушиб, дарров немисчада гапира бошлади. Унинг асли мутахассислиги немис тили ўқитувчиси. Айни пайтда маҳалла раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлайди. Ўзбекистоннинг чекка қишлоғида икки-уч тилни биладиган аёллар борлиги меҳмонларни ҳайратга солганди.

Маълум бўлишича, 50 ёшли Людвиг Биэр Венадаги Руҳ диагностика марказига қарашли қандли диабет касаллигини ўрганиш лабораториясида, шериги Николас Вена алоқа агентлигида ишлар экан. Уларда Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти, миллий урф-одатларига қизиқиш катта бўлиб, ҳар йили меҳнат таътили давомида шу минтақа давлатларини велосипедда айланишаркан.

— Ўзбекистонга биринчи келишимиз, — дейди Людвиг Биэр. — Тошкентгача самолётда учдик, энди юртингизнинг гўзал манзаралари билан яқиндан танишиш мақсадида бу жойларни велосипедда кезаяпмиз. Очиғи, ўзбек халқининг турли урф-одатлари бизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, меҳмондўстлигингиз бизни ҳайратга солди.

Бахтиёржоннинг уйида тайёрланган бир-биридан лаззатли таомлар, айниқса, девзира гуручда дамланган палов австрияликларга хуш ёқди. Эрталаб Тожибархоннинг қўшниси Мавлудахон Шокирова ҳам меҳмонларга инглиз тилида қизиқ-қизиқ янгиликларни айтиб берди.

— Бекорга ҳашаматли коллеж ва академик лицейлар, мактаблар қурилмаяпти экан. Қишлоқ кишилари чет тилларида эркин сўзлай олиши — ана шу саъй-ҳаракатларнинг меваси бўлса керак. Бу ердан олган таассуротларимизни Австрия матбуотида эълон қиламиз, — дейишди меҳмонлар.

Хайрлашув чоғи ҳам жуда ҳаяжонли ўтди.

Меҳмонлар велосипедга миниб, Ўш шаҳрига жўнаб кетишди.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
11250 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 22.00
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda

РАУФ ИНИЛЕЕВ:

«...ФАҚАТ ҒАЛАБА УЧУН МАЙДОНГА ЧИҚАМИЗ»

Шу йилнинг 7-29 июль кунлари илк маротаба бир йўла тўрт давлат — Таиланд, Индонезия, Малайзия ва Вьетнамда футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати ўтказилади. Унда қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси тўрт гуруҳга бўлиниб, ғолиблик учун кураш олиб боради. Мазкур нуфузли мусобақада 1996 йилдан бошлаб қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Малайзия мамлакати мезбонлик қилаётган «С» гуруҳидан жой олган. Унда ҳамюртларимиз чорак финалга чиқиш учун Эрон, Хитой ҳамда Малайзия футболчиларига қарши баҳс юритишади.

Куни кеча мамлакатимиз миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев Осиё кубоги учрашувларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, асосий ўйинчилар таркибига 23 нафар футболчи киритилган. Шунингдек, мусобақалар бошлангунига қадар бу ўйинчилардан айримлари баъзи сабаблар туфайли Малайзия сафаридан қолдирилса, уларнинг ўрнида майдонга тушиши мумкин бўлган етти нафар захира футболчилари номлари ҳам маълум қилинди.

Хўш, мамлакатимиз «чарм тўп» усталари ушбу мусобақага қандай ҳозирлик кўрди? Футболчиларимизнинг кайфияти қандай? Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё чемпионатида ўз олдига қандай мақсадларни қўйган? Қуйида бош мураббий Рауф Инилеев билан қилган суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Рауф Талгатович, гуруҳдаги асосий рақибларимиз — Эрон ва Хитой футболчилари айни пайтда ўртоқлик учрашувларига эътибор қаратишган. Бу борада фикрларингиз қандай? Терма жамоамизнинг Осиё чемпионатига ҳозирлигидан кўнглингиз тўлаяптими?

— Терма жамоа номзодлари билан шу кунгача тўрт бор ўқув-машғулот йиғинлари уюштирдик. Бу орада ALMA-TV халқаро турнирида қатнашдик. Озарбайжон, Хитой ҳамда Хитой-Тайпейи футболчилари билан ўртоқлик назорат учрашувлари ўтказдик. Хитой терма жамоасининг айни чоғда АҚШда, Эрон вакилларининг Мексикада муҳим ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этганликларидан хабарим бор. Уларда ҳозир миллий чемпионат учрашувлари ниҳоясига етган. Шу боис, рақибларимиз вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Бизда эса ички чемпионат баҳслари қизғин паллага кирганлиги ўртоқлик ўйинларини ўтказишга халал беради. Шунга қарамай, Осиё чемпионати арафасида ўртоқлик учрашувлари уюштиришимиз учун имкон бўлади. Терма жамоа аъзолари 28 июнь куни Тошкентда йиғилади ва эртасига Сеулга жўнаб кетади. Биз у ерда Жанубий Корея ҳамда Ироқ терма жамоалари билан ўртоқлик назорат ўйинлари ўтказишни режалаштирганмиз.



— Эълон қилинган футболчилар рўйхатида Андрей Фёдоров («Рубин» Россия), Одил Аҳмедов («Пахтакор»), Нодир Қўзибоев («Нефтчи»), Илёс Зейтулаев («Кротоне» Италия) сингари етакчи ўйинчиларимиз исми-шарифини учратмадик...

— Аслида Андрейни таркибга жалб қилишни жуда хоҳлаган эдим. Бироқ, у терма жамоа таркибида бошқа майдонга туша олмаслигини маълум қилди. Билласиз, Фёдоров футболчиларимизнинг муваффақиятларига катта ҳисса қўшган. Аммо вақт ўз ҳукмини ўтказмоқда. Моҳир футболчимиз 36 ёшдан ошди. Бу ёшда эса Малайзиядек иқлими оғир мамлакат майдонларида тўп суриш осон эмас. Одил Аҳмедовни асосий таркибга қўшмоқчи эдик, аммо ўз олдига катта мақсадларни қўяётган Олимпия терма жамоаси раҳбарлари бунга рухсат беришмади. Жамоамизда айнан Нодир Қўзибоев тўп сурадиган чизиқларда ундан кучлироқ футболчилар борлигини ҳисобга олиб, уни безовта қилмадик. Илёс Зейтулаев тўғрисида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

— Таниқли ҳужумчимиз Максим Шацких («Динамо» Киев, Украина) илк бор қитъа чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Умуман, терма жамоа ҳужум чизиғи хусусида нима дея оласиз?

— Максим терма жамоа таркибида қитъа ва жаҳон чемпионатлари саралаш мусобақаларида кўп бора майдонга тушган. Аммо у Осиё чемпионати финал босқичи баҳсларида илк маротаба қатнашади. Шацкихнинг бу қароридан хурсанд бўлдим. Бошқа ҳужумчилар — Александр Гейнрих («Пахтакор»), Улуғбек Бақоев («Тобол» Қозоғистон), Павел Соломин («Сатурн» Россия)-лар ҳам ҳозир жуда яхши жисмоний ҳолатда. Ўйлайманки, бу чизиқда ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

— Гуруҳдаги учинчи рақибимиз — Малайзия футболчилари ҳақида фикрингиз?

— Куни кеча малайзияликлар Камбоджа миллий терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувида майдонга тушишган. Бугун-эрта бу ўйиннинг видео ёзуви қўлимда бўлади. Айримлар мезбонларни гуруҳ аутсайдери сифатида эътироф этишмоқда. Бу фикрга қўшилмайман. Ҳозир қитъамизда футбол жадал ривожланмоқда. Буни саралаш мусобақаларида Сянган (Гонконг) футболчилари ҳам исботлаб қўйишди. Шунинг учун рақибимиз ким бўлишидан қатъи назар ҳурмат қиламан. Бундан ташқари, футболда ўз уйингда «деворлар ҳам суяйди» деган гап бекорга айтилмаган.

Умид қиламанки, Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё чемпионатида энг чиройли ўйинларини намойиш этади ва юртимизга ёруғ юз билан қайтамиз.

Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.

Интер-спорт

ОЛИМПИЯ МАШЪАЛАСИ

Шу йилнинг 12-14 июль кунлари келаси йили Пекинда ўтказиладиган ёзги Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитаси делегациясининг Санкт-Петербург шаҳрига ташрифи кутилмоқда. Бу ҳақда «Весь спорт» агентлигига Россия Олимпия қўмитаси бош бошқармаси бошлиғи Игорь Казиков ахборот берган.

— Хитой спорт делегациясининг сафари чоғида 2008 йилги ёзги Олимпия ўйинлари пойтахтига Олимпия машъаласини етказиб бориш масаласи атрофлича муҳокама қилинади, — дейди И.Казиков. — Ташкилотчилар эстафета давомида босиб ўтиладиган шаҳарлар орасида Санкт-Петербургнинг ҳам бўлиши айни муддаодир дейишмоқда. Эстафетани Буюк ипак йўли бўйлаб давом эттириш ғояси илгари сурилмоқда. Бундай шаҳарлар эса жами 22 тани ташкил этади. Олимпия машъаласи эса келаси йилнинг 30 март куни Грециянинг Олимпия қишлоғида ўт олдирилиши кўзда тутилмоқда.

Кўргазма

«ТОШКЕНТ — ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ»

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Фанлар академияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент ислом университети билан ҳамкорликда ташкил этилган «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» мавзуидаги кўргазма очилди.

Ютдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Тошкент — ислом маданияти пойтахти» деб номланган ушбу кўргазмада моддий ва маънавий ёдгорликлар — археологик топилмалар, санъат асарлари, ҳунармандлик буюмлари, ноёб қўлёзмалар билан танишиш мумкин. Айниқса, кўргазмада намойиш этилаётган муқаддас Қуръоннинг X асрда куфий ёзувида кўчирилган нусхаси, Фаридиддин Атторнинг XV асрда настаълиқ ёзувидаги «Ситтаи Аттор», Жалолиддин Румийнинг XVII асрда кўчирилган «Маънавий маснавий», Бурҳониддин Марғинонийнинг 1600 йилда кўчирилган «Ал-Ҳидоя» каби нодир асарлари қўлёзмалари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Муяссар ЙЎЛДОШЕВА

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

1-РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Амалиёт ишлари бўйича директор муовини лавозимига Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турган, 5 йилдан ортиқ педагогик стажга эга бўлган олий маълумотли врачларни танлов асосида ишга таклиф қилади.

ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН МАЛАКАЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Умумтаълим фанлар бўйича:
— жисмоний тарбия, рус тили, информатика, математика, чақириққача ёшларни тарбиялаш, кимё, физика, хорижий тил.

Махсус фанлар бўйича:
— ҳамширалик иши, терапия, педиатрия, жарроҳлик, асаб ва руҳий касалликлар, тери ва таносил касалликлари, физиотерапия ва медицина реабилитацияси, клиник ва биохимик текшириш усуллари, геронтология, қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари, юқумли касалликлар, акушерлик ва гинекология.

ҚУЙИДАГИ ХОДИМЛАРНИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

— лаборант, ЭҲМ муҳандис-дастурчи, 1-тоифали ЭҲМ оператори, Ахборот ресурс маркази етакчи мутахассиси (олий маълумотли), Ахборот ресурс маркази етакчи мутахассиси (ўрта-махсус маълумотли), қоровул, фаррош.

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ:

1. ***Фуқаролик паспорти.***
2. ***Турар жойидан маълумотнома.***
3. ***Меҳнат дафтарчаси.***
4. ***Ҳарбий хизматга мажбурлар учун ҳарбий билет ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома.***
5. ***Олий ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом.***
6. ***3Х4 ҳажмдаги фотосурат.***

МАНЗИЛИМИЗ: 100043 Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Мавзе «Е».
Мўлжал: *«Ҳамза» метроси бекати*
***Маълумот учун телефонлар:* 277-85-94, 277-22-13.**

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 24,27,31 июль ва 3,7,10,14,17,21,24, 28,31 август кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, У.Юсупов кўчаси, 1-«а» уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг 1994 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 AV 542 бўлган «Опель-Вектра» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 2 600 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Университет кўчаси, 2-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли Тошкент давлат техника университетининг 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AF 588 бўлган «ВАЗ-21074» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 1 600 000 сўм.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА `00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Мурожаат учун телефон: 133-23-40.